O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 15 март, № 50 (3849) Чоршанба

Корхона қайта тикланмоқда

Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Фарғона кимёвий толалар заводи анча пайт иқтисодий инқирозни бошдан кечирди. Аммо ишчи ва хизматчиларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли у яна оёққа турди. Айни пайтда заводда 841 нафар ишчи меҳнат қилмоқда.

— Хомашёни четдан келтирамиз, — дейди корхона бош муҳандиси Ҳасанбой Бадалов. — Шунинг учун таъминотда узилишлар бўлиб турди. Натижада анча пайт завод тўхтаб қолди. Яқинда Россия ва германиялик ҳамкорларимиз билан хомашёни ўз вақтида етказиб бериш бўйича шартнома имзоладик. Шундан сўнг ишимиз юришиб кетди. Жорий йилнинг февраль ойида иш бошлаган бўлсак-да, қисқа фурсатда 388 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришдик.

Корхона маҳсулотларига хорижда ҳам, ички бозорда ҳам талаб катта. Шу боис кўплаб давлатлардан буюртмалар тушмоқда. Завод мутасаддиларининг таъкидлашича, йил охирига бориб корхона тўла қувват билан ишлай бошлайди.

СУРАТЛАРДА: корхонанинг умумий кўриниши; йиғув цехи оператори Шоирахон Машрабова.

М. ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг 1968 йил 8 октябрда Локарнода имзоланган Саноат намуналарининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисидаги Локарно битимига қўшилиши ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 9 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 февралда маъқулланган

1968 йил 8 октябрда Локарнода имзоланган Саноат намуналарининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисидаги Локарно битимига қўшилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 14 март.

Ҳамма яхши нарсалар — болаларга

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг олдига қўйган асосий мақсадларидан бири ёшларимизни ҳар томонлама етук бўлиб вояга етишларига кўмаклашишдан иборат.

Жорий йил жамғарма томонидан яна бир хайрли ишга қўл урилди. Яъни, кўп болали ва кам таъминланган оилалар фарзандларини, айниқса, қизларни спорт кийимлари билан таъминлаш, уларни рағбатлантириб бориш йўлга қўйилди.

Тадбирнинг дастлабкиси Фарғона вилоятида уюштирилди. Унга Қўқон шаҳри, Ўзбекистон, Фурқат, Бешариқ, Данғара, Бағдод, Риштон, Учкўприк, Бувайда, Ёзёвон туманларидан жами 110 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг спорт билан шуғулланаётган қизлари таклиф этилди.

Йиғилганлар олдида сўзга чиққан вилоят ҳокими Шермат Нурматов, халқ таълими вазири ўринбосари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори Абдулла Ачилов, Қўқон шаҳар ҳокими Маъруфжон Усмонов ва кикбоксинг бўйича тўрт карра жаҳон чемпиони Олмос Юсуповлар мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига берилаётган эътиборга тўхталдилар, кам таъминланган оилаларнинг қизларига спорт кийим-кечакларидан иборат совғаларни топширдилар.

Тадбир доирасида «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» мусобақаси ҳам бўлиб ўтди.

З.ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Анжуман

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида журналистлар учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда мамлакатимизда солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, солиқ қонунчилигидаги янгиликлар ва ўзгаришлар, тизим ҳаётини оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Барча бирдек масъул

Анжуман қатнашчилари дастлаб тўртта йўналиш бўйича ташкил этилган кўргазма орқали Президентимизнинг фармон ва қарорлари, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган ҳужжатлар ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар, солиқ тўловчилар учун яратилган имтиёз ва қулайликлар билан яқиндан танишдилар.

Шундан сўнг, қўмита раиси Б. Парпиев иштирокида анжуманнинг асосий қисми бўлиб ўтди. Таъкидландики, мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси туфайли юртимизда солиқ юкини камайтириш, солиқ сиёсатини либераллаштириш ва унификация қилиш, солиққа тортиш тартибини соддалаштириш, солиқ органлари масъулиятини кучайтириш, солиққа оид жиноятларнинг олдини олиш мақсадида солиқ тўловчиларга ёрдам бериш ҳамда уларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга кўмаклашиш, улар билан мунтазам иш олиб бориш юзасидан аниқ мақсадларга йўналтирилган сиёсат амалга оширилмоқда. Ушбу вазифаларни кенг миқёсда тарғиб ва ташвиқ қилишда, оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин эгаллайди. Шу боис ҳар бир масалага ёндашишда журналистлардан етарли билим ва кўникма, тажриба ҳамда масъулият талаб этилади.

Қўмита мутасаддиларининг айтишича, солиққа оид чоп этилган ҳар бир мақола, эфирга узатилаётган ахборот ёки танқидий фикрлар эътиборсиз қолдирилмайди.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Шавкат ОРТИҚОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ўзбекистон — Қозоғистон:

ҚАРДОШЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАН

Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари ва халқлари ўртасидаги дўстлик, қардошлик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари олис тарихга бориб тақалади. Минтақамиз азалдан наинки ранг-баранг цивилизациялар, маданий ўчоқлар ва дунё динларини туташтириб турувчи марказ, шу билан бирга Евросиё макони бўйлаб Буюк Ипак йўлидан ўтувчи асосий транспорт-савдо-коммуникация тизимининг қоқ юраги ҳам ҳисобланган. Бу ерда асрлар давомида минтақа ва дунё давлатлари ўртасида турфа хил маҳсулотлар олди-сотдиси билан бир қаторда, билимлар, ғоялар, маданиятлар алмашинуви учун қулай шароит мавжуд бўлган.

Минтақадаги икки йирик давлат — Ўзбекистон ва Қозоғистон мустақиллик йилларида ана шу азалий ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлидан дадил бораётир. Бу бежиз эмас. Зеро, халқларимизнинг руҳияти, эътиқоди ва менталитети бир-бирига жуда яқин, тарихимиз, маданиятимиз, анъана ва қадриятларимиз, тилимиз уйқаш. Дарёларимиз, далаларимиз, шаҳар-қишлоқларимиз, бозорларимиз, ҳаттоки мозорларимиз бир-бирига туташиб кетган.

Геосиёсий нуқтаи назардан, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва қардошлик муносабатлари ҳар икки мамлакат иқтисодий тараққиёти, шунингдек, минтақавий барқарорликни таъминлашда алоҳида ўрин тутади. Шу маънода, мустақил тараққиётнинг илк кунлариданоқ Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш йўлида фаол амалий ҳаракатлар бошланган ўтган давр мобайнида бу борада катта ижобий тажриба орттириш ва ўзаро ҳамкорлик истиқболлари учун мустаҳкам пойдевор яратиш имконини берди.

Айни чоғда, мамлакатларимизнинг икки томонлама манфаатли муносабатларининг ҳуқуқий-шартномавий негизи юзга яқин давлатлараро ва ҳукуматлараро ҳужжатлардан иборат бўлиб, ўзаро ҳамкорликнинг деярли барча соҳаларини қамраб олган. Бу ҳужжатлар орасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома, маданий-гуманитар соҳада ҳамкорликни чуқурлаштириш, божхона фаолияти, жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳамкорлик ҳақидаги битимлар, айниқса, муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон билан Қозоғистонни туташтириб турувчи чегара ҳудуди 2300 километрдан ортиқ масофага чўзилган бўлиб, икки давлат ўртасида Давлат чегараларини делимитация қилиш тўғрисида шартнома имзоланган ўзаро муносабатларда алоҳида ўрин тутади. Бошқача айтганда, бу борада тегишли ҳужжатларнинг халқаро ҳуқуқ нормалари талабларига мос ва хос тарзда имзоланган улкан аҳамиятга молик тарихий воқеа бўлди.

Бугунги кунда иккала мамлакат давлат органлари раҳбарлари ўртасида мунтазам равишда музокаралар ва маслаҳатлашувлар ўтказиб турилибди. Терроризм ва экстремизм, гиёҳванд моддаларнинг ғайриқонуний савдоси, трансмиллий жиноятчилик каби офатларга қарши кураш жабҳасида ҳамкорлик самарали ривожланмоқда. Ўтган йил бошида Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг кўрсатмалари асосида ҳар иккала мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва махсус хизматлари раҳбарлари терроррчилик хуружларининг олдини олиш, тинчлик-осойишталикни, биринчи навбатда, чегараолди ҳудудларда барқарорликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ўзаро келишиб олгани бунинг яққол мисолидир.

2004 йил 28 майда Остона шаҳрида минтақамиз давлатлари раҳбарлари томонидан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташаббуси асосида Марказий Осиё мамлакатлари умумий бозорини босқичма-босқич яратишга доир қарор қабул қилингани минтақада иқтисодий интеграцияни янада чуқурлаштириш йўлида залворли амалий қадам бўлди. Ушбу қарорнинг татбиқ этилиши минтақамиз ҳаётининг барча соҳаларида манфаатли ҳамкорликнинг теранлашуви, минтақадаги барча давлатлар иқтисодий ўсиши ва барқарор тараққиётини таъминлашда улкан омил бўлиши шубҳасиз.

Ўзбекистон ва Қозоғистон кўп томонлама ҳамкорлик борасида ҳам ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатмоқда. Кўшни ва қардош икки давлатнинг бу жабҳадаги саъй-ҳаракатлари Марказий Осиёда тинчлик

(Давоми 2-бетда).

Беғараз мадад

Япония ҳукумати қарорига кўра кеча Ўзбекистон ҳукуматига 976 миллион япон йенаси (8,87 миллион АҚШ доллари) миқдоридаги беғараз ёрдам топширилди. Ушбу ёрдам «Йўл қурилиш техникаси етказиб бериш (иккинчи босқич)» лойиҳаси асосида амалга оширилди. 2005 йилнинг 26 январь куни имзоланган мазкур лойиҳа республикамизда тадбиркорликни ривожлантириш ва иқтисодий барқарорликни таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ўзбекистонга етказиб берилган қурилиш жиҳозлари узунлиги 378 километрлик Самарқанд-Ғузор-Термиз йўлининг ҳолатини яхшилаш ва уни таъмирлашга ишлатилади. Ёрдамни топшириш маросимида сўзга чиққан Японияннинг мамлакатимиздаги элчиси Юичи Кусумото икки давлат ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Ўз мухбиримиз.

ТЎСИҚ ЭМАС, ЁРДАМ ЗАРУР

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар бугунги кунда ўзининг натижасини бераяпти. Одамлар яхшироқ яшай бошлащди. Шахсий уй-жойлар қурилиши жадаллащди. Шаҳар ва қишлоқларнинг қиёфаси йил сайин эмас, ой сайин ўзгариб бормоқда.

Айниқса, кейинги йилларда ўз меҳнатининг мевасидан баҳраманд бўлган деҳқоннинг ерга меҳри ортди. Ҳар қарич ер юқори ҳосил олиш учун катта манба эканлигини у янада яхшироқ англамоқда. Ўзимдан қиёс: беш йилдан буён фермерман. Ҳар йили давлатга ғалла ва пахта сотиш бўйича шартнома режаларини ошиғи билан бажариб келаяпман. Ер мени ва оиламни боқаяпти, десам муболаға бўлмайди.

Аммо қишлоқ хўжалигида айрим муаммолар ҳалиям учраб турибдики, улар ишимизга тўғаноқ бўлмоқда. Аслида ана шу мавжуд муаммоларни хаспўшлаш, билиб билмасликка олиш ўзимизга ва фақат ўзимизга зиён келтиради. Шу туфайли мен уларнинг баъзиларини тилга олиб ўтишни зарур, деб ўйлайман.

Фермер муаммо қўяди

Икки йил муқаддам вилоят нефть маҳсулотлари унитар корхонаси кўплаб хўжаликларда ўз шохобчаларини очди. Ўшанда юзлаб фермерлар «Энди маҳсулот учун Гулистон шаҳрига қатнаш ташвишидан халос бўлдик» дея мамнун бўлишган эди. Афсуски, шохобчаларга кадрлар танлаш ва ишнинг кўзини биладиган кишиларни ўтказиб қўйишда ўзибўларчиликка йўл қўйилди. Оқибатда, қарангки, узоққа қатнаш ташвишидан қутилган фермерлар янги бир муаммога дучор бўлишди. Шохобчадаги нафси ҳакалак отган баъзи шахслар биз олган маҳсулотнинг ўн фоизини «хизмат ҳақи» сифатида уриб қола бошладилар. Секин-аста бу нарса одат тусига кирди. Айтайлик, бир фермер йил давомида уч тонна ёнилғи-мойлаш материаллари олгудек бўлса, унинг 300 литрини шохобчада қолдириши шарт эди. Бизнинг ҳақли талабларимизга эса у ердаги чаққон йигитлар «Гулистонда маҳсулотни текинга беришмайди. Норози бўлсаларинг, у ёққа ўзларинг боринглар», дейишади. Нефть маҳсулотлари корхонасида эса «Маҳсулотингизни шохобчага жўнатамиз. Бошқа иложи йўқ» дея туриб олишади. Кошкийди, шохобчада доимо маҳсулот бўлса. Баъзан ҳафталаб қуруқ идишни машинага ортганча бориб-келаверамиз. Маҳсулот келганда эса, кўпи билан 40-50 литр соляркани ё оламиз, ё ололмаймиз. Далада бўлса трактор бизни кутиб, бекор тураверади...

Шохобчалар нега очилди? Мақсад зарур маҳсулотни узлуксиз таъминлаш эмасмиди? Бу иш шу тарзда давом этаверса, чигит экиш мавсумида аҳволимиз нима кечади? Нефть маҳсулотлари таъминоти билан шуғулланадиган республика ва вилоят ташкилотлари қачон хўжакўрсинга ташаббус кўрсатишни бас қилишади?

Вилоятдаги «Пахтабанк» тизимини ҳисобга олмаганда, кўплаб банкларда нақд пул олиш ва керакли манзилларга пул ўтказиш ҳам муаммога айланиб бормоқда. Икки йилдан буён банкларда «23204» рақами пайдо бўлган. Фермерларнинг ғалла, пахта ва бошқа экин турларидан ишлаб топган даромади биринчи галда ана шу рақамга келиб тушади. Қарзингиз бўлмаса, ҳамма пулингиз яна орқага қайтиб кетади. Бир-икки ой ўтгач эса, пулингиз 23222-сонли махсус рақамга келиб тушади. Қарзингиз бўлмаса, яна орқага қайтиб кетади. Қараб турибсизки, фермерларнинг миллион-миллион сўм пуллари икки орада бориб келаверади. Банк эса сармоянгизнинг айланма ҳаракатидан хизмат ҳақи олаверади.

Маҳсулотининг пулидан ўз вақтида эмин-эркин фойдалана олмаган фермерлар ноилож турли найрангларни ўйлаб топишаяпти. Мана, улардан бири. Сирдарё вилоятида камида тўрт юзга яқин хорижда ишлаб чиқарилган, ўн-ўн беш йўловчини. ташишга мўлжалланган микроавтобуслар мавжуд. Вилоят аҳолисининг ярмидан кўпи ана шу уловлар хизматидан фойдаланади. Бу микроавтобусларнинг деярли саксон фоизи дизель ёнилғиси, яъни солярка билан юради. Ҳолбуки, вилоятда нақд пулга солярка сотадиган биронта корхонанинг ўзи йўқ.

Банкдан нақд пул ололмаган фермер зарур бўлмаса ҳам, банкларга бориб, нефть маҳсулотлари корхонасига пул ўтказади ва маҳсулот олади. Ана шу маҳсулотни ярим нархида бояги автоулов ҳайдовчиларига сотишга мажбур бўлади. Ахир фермер бошқа қандай йўл тутсин?

Бугунги даврда муаммолар тўғрисида очиқ гаплашишимиз лозим. Уларнинг ечими ҳақида бирга қайғуришимиз шарт. Фақат ана шундагина муаммоларга барҳам берилади. Фақат ана шундагина деҳқоннинг қозонидаги гўшт икки баравар кўпаяди. Унинг чўмичи кун ора эмас, кунда мойга ботади.

Т. АБДУРАҲИМОВ,
Боёвут туманидаги «Наврўз» фермерлар уюшмасидаги «Юрт» фермер хўжалиги раҳбари.

«Саховат» туҳфалари

Пахтаободлик Назирахон Бувабекова хонадонига "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган "Саховат" автоюриши иштирокчиларининг кириб келиши ногирон аёлнинг ўксик кўнглини тоғдай кўтариб юборди. "Саховат"-чилар Назирахоннинг соғлиғи, ўй-режалари билан яқиндан танишгач, унга ногиронлик аравачасини ҳадя этдилар. Шу куни серфарзанд оила соҳиби Убайдулла Аҳмедов ҳовлисига қорамол бойланди. Бу каби мурувватдан Андижон туманида истиқомат қилувчи Содиқжон Тўраев ҳам бенасиб қолмади.

Вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ҳамда ушбу ташкилотнинг жойлардаги бўлимлари ёрдамида ўтказилаётган автоюришлар Андижон шаҳри, Пахтаобод, Избоскан туманларидаги кам таъминланган, ўзгалар кўмагига муҳтож ўнлаб оилаларга бир олам қувонч олиб кирди.

"Саховат" бу каби савобга йўғрилган ишларни йил бўйи давом эттирмоқчи. Якка-ёлғизларга, боқувчисидан айрилганларга совға-саломлардан ташқари, озиқ-овқат, кийим-кечак ҳам етказиб беришмоқчи.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ислоҳот одимлари

ЭКСПОРТ — САЛОҲИЯТИМИЗ ИСТИҚБОЛИ

Устувор вазифа — экспортни ҳар томонлама рағбатлантириш ва валюта заҳираларини тежаш, улардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлашдан иборат.

Ислом КАРИМОВ.

Мамлакатимиз Президенти 2005 йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида маҳсулот экспорт қилиш ҳажми 11,5 фоиз ўсгани юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва иқтисодиётни модернизация қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг амалий натижаси эканлигини қайд этди.

2005 йилда, шунингдек, республикамизнинг ташқи савдо айланмаси 9,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, умумий экспорт ҳажмида тайёр маҳсулот ва хизматлар улуши 50 фоиздан ошди. Бу ташқи савдода мустақиллик йилларида эришилган энг юқори кўрсаткич – 1,3 млрд. доллар миқдоридаги ижобий сальдога эришиш ва мамлакат олтин-валюта заҳирасининг 1,3 марта кўпайиши учун тегишли шарт-шароит яратди.

Мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий фаолиятда эришган натижаларини аввалги йиллар кўрсаткичлари билан таққослайдиган бўлсак, қуйидаги вазият кўзга ташланади. Мисол учун, 2000 йилда мамлакат ташқи савдо айланмаси 3,2 млрд. долларни ташкил этиб, унинг ижобий сальдоси 317,3 млн. долларни ташкил этган. Экспорт таркибининг 27,5 фоизи пахта толасидан, 11 фоизи энергетика ресурсларидан, 7 фоизи қора ва рангли металлардан, 14 фоизи турли хизмат ва бошқа манбалардан иборат эди. Демак, экспорт таркибининг асосий қисмини хомашё ва қисман кўрсатилган хизматлар ташкил этган, холос. Таҳлиллардан кўринадики 2005 йилда эса ташқи савдо ҳажми 2000 йилга нисбатан 3 марта, ижобий сальдо 4,1 марта ошганини кўрамиз.

Қувонарлиси, бултур экспорт таркиби ҳам ўзгариб, унда пахта толаси ҳиссаси 27,5 фоиздан 19 фоизгача камайди ва 50 фоиздан ортиғини тайёр маҳсулот ҳамда кўрсатилган хизматлар ташкил этди.

Шу ўринда «Экспорт соҳасида бундай юқори натижаларга нималар ҳисобидан эришилди?» деган мантиқий савол туғилади.

Аввало, юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган ислоҳотлар тактикаси ва стратегиясининг тўғри танлангани эришилган натижаларга пойдевор бўлди. Шунингдек, иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш тамойилларига таянган ҳолда иқтисодиётнинг мутаносибли ва мувозанатли ривожланиш тенденциясига амал қилинганлиги ҳам муҳим омил бўлди. Чунончи, қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик соҳаларига устувор аҳамият берилгани, қишлоқ хўжалиги билан саноат, ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи тармоқлар ўртасидаги оқилона мутаносиблик таъминлангани катта аҳамият касб этди.

Мамлакатимизда йилдан-йилга инвестицион муҳитнинг тобора яхшиланиб, жозибадорлиги ошиб бораётгани ва миллий иқтисодиётимизнинг халқаро иқтисодий интеграция жараёнларига шитоб билан кириб бораётгани ҳам ташқи савдо ҳажмининг кўпайишида муҳим роль ўйнади.

Шу билан бирга, экспорт салоҳиятининг ошиши сиёсий аҳамиятга ҳам эга бўлиб, у мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Чунки мамлакат олтин-валюта заҳирасининг ошиши миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиёти ўзгаришларига таъсирчанлик ва боғлиқлик даражасини пасайтиради, иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Экспорт салоҳиятини кескин оширишга ижобий таъсир кўрсатадиган сиёсий воқеа, яъни "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилоти билан Евросиё иқтисодий ҳамжамиятининг қўшилишига тўхталиб ўтиш жоиз. Табиийки, ўзаро ҳамкорлик миллий иқтисодиётимизни ривожлантириш, жумладан, унинг экспорт салоҳиятини кескин оширишга ижобий таъсир қилиши шубҳасиз. Чунки, бир томондан, бизда бу ҳамжамият таркибидаги давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлик борасида, шунингдек, экспорт бўйича катта тажриба тўпланган, иккинчидан эса, кўпгина қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда Ўзбекистон бу мамлакатлар ичида олдинги ўринларда туради.

Мисол учун, "Российская газета" Россия федерациясида жорий йил қишининг қаттиқ келиши натижасида кўпгина боғларни совуқ урганлигини таъкидлайди. Шу сабабли, Россия ҳукумати қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини асосан Марказий Осиё давлатларидан харид қилиш лозимлигини инобатга олиб, 2006 йилнинг 1 мартидан бошлаб ушбу худудларда етиштириладиган мева-сабзавотларни ташишга ихтисослашган вагон-рефрижераторларнинг тарифини 50 фоизга камайтирди. Мутахассисларнинг фикрича, бу тадбир Россия бозорларида Ўзбекистонда етиштирилган мева-сабзавотлар экспортининг ҳажми 35-40 фоиз ошишига, нарх-навонинг эса 15-20 фоизга пасайишига хизмат қилади. Демак, бундай ҳамкорлик ҳар иккала давлат учун ҳам манфаатлидир.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, биргина Россиянинг ўлкамизда етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган йиллик эҳтиёжи 15,0 млрд. доллардан ортиқроқдир. Шунинг ўзиёқ экспорт салоҳиятимизни қисқа вақт ичида кескин ошириш учун қулай вазият юзага келганлигини кўрсатмоқда.

Экспорт оламида муайян давлатларда у ёки бу товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришда мутлақ ҳамда нисбий устунликка эгалик тушунчалари нуқтаи назардан Ҳамдўстлик мамлакатлари ичида Ўзбекистонга хос яна шундай устунлик борки, улар қуйидаги соҳаларда намоён бўлади.

Республикамизнинг енгил саноати шиддат билан ривожланиб, жаҳон бозорида янги-янги марраларни забт этмоқда. Мисол учун, 1995 йилда Европа ҳамжамиятига аъзо давлатлар импорти таркибида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотларининг салмоғи 0,35 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилда 9 фоиздан ошди.

1995 йилдан буён тармоққа 900,0 млн. долларлик инвестиция киритилиши бу тизимдаги корхоналарнинг асосий фондларини қисқа вақт ичида янгилаш ва замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун тегишли шароит яратди. Натижада экспорт миқдори 8 баробар ошиб, унинг ҳажми 33,9 млн. доллардан (1995) 239,4 млн.долларга (2005) етди. Агар 1995 йилда мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган пахта толасининг 12 фоизи қайта ишланган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич 30 фоизни ташкил этмоқда.

Бундан ташқари, енгил саноат тармоғида 2004-2005 йилларда чет эл инвесторлари иштирокида 29 та қўшма корхона ишга туширилгани ҳам яқин истиқболда соҳанинг экспорт салоҳиятини янада оширишга пухта замин яратди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тармоғининг бугунги кундаги салоҳияти ва соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳам экспорт борасида ғоят катта имкониятлар борлигини кўрсатмоқда. Юртимизда ўтган йили 4,0 млн. тоннага яқин пахта хомашёси, 7,0 млн.тоннага яқин мевачева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилди. Мазкур маҳсулотларни янада кўпроқ четга сотиш – қисқа вақт ичида экспорт ҳажмини кескин ошириш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинаётганда унинг товар кўринишига, тараси ва дизайнига жиддий эътибор қаратиш зарур. Чунки улар, бир томондан, маҳсулотимизга бўлган талабни кўпайтиришга, иккинчи томондан, айнан шундай маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи бошқа давлатлар билан рақобатлашувда катта роль ўйнайди.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини экспорт қилувчи жисмоний ва юридик шахслар маҳсулотини ташишда транспорт воситалари билан таъминлаш ҳам экспорт ҳажмини оширишнинг таъсирчан воситасидир.

Кейинги йилларда мамлакатимизда етиштирилган мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини экспорт қилиш соҳасида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилди. Агар 1999 йилда мазкур тизимда 1,8 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, бу кўрсаткич ўтган йили 15,2 млн.долларни ташкил этди, яъни экспорт ҳажми 8 баробар ортди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги **"Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармонининг қабул қилиниши, айниқса, мазкур тизимда янада самарали таркибий ўзгаришларни амалга оширишда ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур ҳужжатдан кўзланган асосий мақсад боғлар ва узумзорларни ҳақиқий эгаларига бериш, халқаро миқёсда Ўзбекистон боғдорчилигининг мавқеини янада мустаҳкамлаш ҳамда саховатли заминимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини ошириш, уларни қайта ишлаш орқали экспорт таркибини турли консервалар, қуруқ мевалар ва узумчилик маҳсулотлари билан бойитишдир.

Президентимиз таъкидлаганидек, ҳозирги кунда экспорт борасидаги энг муҳим вазифа эса амалдаги маъмурий, божхона, банк процедураларини чуқур таҳлил қилиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган рақобатга бардошли маҳсулотларни экспорт қилиш йўлида ғов бўлиб турган барча тўсиқларни олиб ташлаш, экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга нисбатан имтиёз ва қулайликлар яратиш, шунингдек, ҳозирги кескин халқаро рақобат шароитида ўз маҳсулотини хорижга сотаётган ишлаб чиқарувчиларимиз экспортини кредитлаш ҳамда суғурталаш механизмларини жорий этиш масаласини ҳал этишдан иборат.

Ушбу масалаларнинг ҳал этилиши мамлакатимизнинг кун сайин юксалиб бораётган экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, бу эса, ўз навбатида, миллий иқтисодиётимизнинг барқарорлигини мустаҳкамлаш, халқаро иқтисодий майдонда рўй бераётган ўзгаришларга нисбатан ўзимизнинг мустақил иқтисодий сиёсатимизни юритиш учун тегишли шарт-шароит ва моддий асос яратади.

Одил ҲАМРОЕВ,
иқтисод фанлари доктори.

ҲУҚУҚШУНОС маслаҳати

Саволларингизга Тошкент шаҳар адвокатлар Ҳайъати халқаро-ҳуқуқий ишлар бўйича ихтисослашган ҳуқуқий маслаҳатхонаси адвокати Замира СИДДИҚОВА жавоб беради:

Қўшним 2 йилга озодликдан маҳрум этилганди. У ўтган йили қайтиб келди ва ўзининг илгариги раҳбарлик лавозимига тикланди. Судланганлигига қарамай у яна бошлиқ бўлиши мумкинми?

Д. БЎРИЕВ.
Фориш тумани.

— Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 43-41 моддаларида суд ҳукми билан шахс муайян ҳуқуқдан маълум муддатга, яъни корхона, ташкилот ва муассасаларда лавозим эгаллаши ёки бирон бир фаолият билан шуғулланишини тақиқлаши мумкинлиги қайд этилган.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш асосий жазо сифатида тайинланганда бир йилдан беш йилгача; қўшимча жазо сифатида эса бир йилдан уч йилгача муддатга белгиланиши кўрсатилган.

Шахс асосий жазодан озод қилинганда, қўшимча жазодан ҳам озод этилган ҳисобланади ва ўз лавозимида ишлаши мумкин.

***

Отам 1984 йил суд ҳукмига биноан ўша пайтдаги Жиноят кодексининг 177-моддаси 2-қисми билан айбдор деб топилиб, 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Кейинчалик унга ЖКнинг 23-модда 2-банди қўлланилиб, ҳукм 3 йил муддатга шартли озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган ва 2 йил савдо соҳасида ишлаш тақиқланганди. Отам ҳозир судланмаган ҳисобланадими?

Ш. ТЎРАЕВ.
Тошкент шаҳри.

— Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 13-моддасида қилмишнинг жиноийлигини, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга эканлиги кўрсатилган.

Яна ўша моддада, Ўзбекистон ССР ЖКнинг 53-моддаси 2.1 бандига асосан, яъни «озодликдан маҳрум этишга шартли равишда ҳукм қилиниб, меҳнатга мажбурий жалб этилган шахслар бу муддатда янги жиноят содир этиб озодликдан маҳрум этиш жойларига жўнатилмаган бўлса...» судланмаган деб ҳисобланиши белгиланган.

***

Мен 1999 йилда турмушга чиқдим. Аммо турмуш қураётган пайтда бўлғуси эримнинг отаонаси никоҳимизни қонуний расмийлаштиришга рози бўлишмади. Орадан бир йил ўтиб, фарзандимиз туғилди. Бироқ, кейинчалик эрим бизни уйидан ҳайдаб юборди. Ҳозирги кунда фарзандим билан ота-онамнинг уйида яшаяпман. Турмуш ўртоғим на мендан, на фарзандидан хабар олади. Эшитишимча, ўртамизда никоҳ тузилмаганлиги боис турмуш ўртоғимдан алимент ололмас эканман. Шу гаплар ростми?

С. АҲАДОВА.
Тайлоқ тумани.

— Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 63-моддасида никоҳ ҳуқуқий расмийлаштирилмаган ҳолда ҳам боланинг туғилиш гувоҳномасидаги ота-онаси ёзиладиган жойида отасининг исми ва фамилияси бўлса, у турмуш ўртоғингиздан фарзанд учун алимент олиш ҳуқуқини беради. Оила кодексининг 96-моддасига биноан турмуш ўртоғингиз фарзандингиз таъминоти учун алимент тўлаши шарт.

Бир сўз билан айтганда, Сиз суд орқали турмуш ўртоғингиздан алимент ундиришга ҳақлисиз.

***

Бола икки ёш бўлгач, қўшимча таътил олиш мумкинми, унга 100 фоиз маош тўланадими?

В. ҚУДРАТОВА.
Ёзёвон тумани.

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 234-моддасига асосан, ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар парваришлаш учун таътил берилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланади.

Шунингдек, аёлнинг хоҳишига кўра, боласи уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилади. Болани парваришлаш таътили даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Бу таътиллар меҳнат ва мутахассислиги бўйича иш давомийлигига ҳам қўшилади.

Салим ДОНИЁРОВ
тайёрлади.

Яна бир неча кундан сўнг ўлкамизга Наврўзи олам кириб келади. Ушбу улкан байрамга юртимизда қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Ҳар бир қутлуғ айём арафасида Тошкентнинг бозорлари, гавжум жойларида вилоятлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркаларини ўтказиш анъанага айланган. Бу йилги Наврўз ҳам шундай хайрли тадбирдан четда қолмади.

Наврўзолди савдо ярмаркалари

Пойтахтимизнинг «Фарҳод» деҳқон бозорида Андижон вилояти қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркаси бўлиб ўтмоқда. Расталарни вилоятнинг Пахтаобод, Булоқбоши, Андижон, Асака ва бошқа туманлари далаларида етиштирилган полиз ва сабзавот маҳсулотлари, мевалар эгаллаган.

Ярмаркани ўтказиш бўйича вилоят вакили Камолиддин Ҳамидовнинг таъкидлашича, тадбир давомида 500 тоннадан зиёд қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилади. Ярмаркада «Андижонгўштсутсаноат», вилоят «Матлуботсавдо» бирлашмалари фаол иштирок этмоқда.

Савдо ярмаркаси ўтказилишидан харидорлар ҳам жуда ҳурсанд. Уларнинг қайд этишича, ярмарка рақобатнинг кучайишига, бозордаги нархларнинг пасайишига ёрдам бераяпти.

СУРАТЛАРДА: Андижон вилоят қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркасидан лавҳалар акс этган.

А. ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

Ўзбекистон — Қозоғистон:

ҚАРДОШЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАН

(Давоми. Боши 1-бетда).

ва барқарорликни сақлаш, минтақани барқарор хавфсизлик ҳудудига айлантириш йўлидаги изчил сиёсатни муваффақият билан давом эттиришда, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, бошқа минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасида турли соҳалар бўйича долзарб умумминтақавий масалаларни ечиш учун амалий ҳаракатлар механизмини шакллантириш ва самарали қўллаш борасида муҳим аҳамият касб этади.

Экспертларнинг фикрича, 2005 йилнинг майида Андижонда содир этилган террорчилик хуружининг бартараф қилиниши орқали Ўзбекистон томонидан "рангли инқилоблар" занжири халқаси узиб ташланган бўлса, ўтган йилнинг декабрида Қозоғистонда бўлиб ўтган Президент сайлови натижалари минтақамиз ҳудудини турли беқарорликлар домидан асраб-авайлаш йўлида яна бир қатъиятли натижа бўлди.

Неча асрлар давомида "қўшнинг тинч — сен тинч" деган нақлга амал қилиб келаётган ўзбек халқи ҳам сайлов натижаларини — Нурсултон Назарбоевнинг яна Қозоғистон Президенти этиб сайланганини ижобий кутиб олди. Зеро, ўзбекистонликлар энг яқин қўшни ва асрий қардош, ишончли елкадош, айни чоғда, тенг ҳуқуқли ҳамкорлар сифатида қўшни Қозоғистонда тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва тараққиёт барқарор бўлишидан, айниқса, кўпроқ манфаатдор.

— Қозоғистонликларнинг ютуғи — бизнинг ҳам ютуғимиз, муаммолари эса бизнинг ҳам муаммоларимиздир, — деди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жорий йилнинг 11 январида Остонада бўлиб ўтган Қозоғистон Президенти инаугурация маросимида. — Чунки биз доим ёнма-ён, елкама-елка яшаб келаётган халқларимиз.

Президент Нурсултон Назарбоев ҳам ўзбек ва қозоқ халқлари азалдан бир-бирини қўллаб-қувватлаб келгани ҳақида тўхталар экан, янги сайланган Президент сифатидаги хорижий ташрифларини айнан Ўзбекистонга сафардан бошлаш ниятида эканини таъкидлади.

Президентлар И.Каримов ва Н.Назарбоев мунтазам уқтириб келаётганидек, "Марказий Осиё — ягона уйимиз" ғоясини тўла рўёбга чиқариш биздан ўзаро иноқликда минтақавий интеграцияни янада ривожлантириш йўлидан дадил ва жадал бормоғимизни талаб этади. Бунда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг ривожи катта аҳамиятга эга. Ишончимиз комилки, давлатларимизнинг ҳамкорлик истиқболлари минтақамизда барқарорлик ва тараққиётни, иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий мустақилликни таъминлашга қаратилгандир. Энг муҳими, бу ҳамкорлик аввало халқларимиз манфаатига хизмат қилади.

Ғулом МИРЗАЕВ.

Хушхабар

КХА матбуот хизмати хабарида айтилишича, яқинда Кувайтда Халқаро Олимпия қўмитасининг қитъадаги бўлими саналган — Африка Олимпия қўмиталари ассоциацияси президенти Лассана Паленфо ва КХА раҳбарияти ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбек кураши Африка ўйинларига кирадими?

Жаноб Паленфо ўтган йил охирида ушбу лавозимга сайланганди. У Халқаро Олимпия қўмитаси аъзоси ҳамдир. Учрашувда Л. Паленфо курашнинг қитъадаги ривожига алоҳида тўхталди. Шунингдек, 2007 йил Жазоирда бўлиб ўтадиган Африка ва Африка-Осиё ўйинларига ўзбек миллий спорт турини киритиш имкониятлари кенглигини таъкидлади.

Осиё Олимпия қўмитаси томонидан тан олинган курашимизнинг Африка қитъаси бўйлаб оммавийлашиб бораётгани барчамизни қувонтириши табиий.

Ж. ЗИЁДУЛЛАЕВ.

"Халқ сўзи" назоратида

Шароит янада яхшиланади

Газетамизнинг 2005 йил 14 декабрь сонида «Эътибор зарур» сарлавҳали чиқишда Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманидаги «Товоқсой» сиҳатгоҳида таъмир ишлари олиб бориш мақсадга мувофиқ эканлиги, бу беморларнинг даволаниши учун янада қулайликлар туғдириши мумкинлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар билдирилган эди.

Бўстонлиқ тумани ҳокимининг ўринбосари А.АБДИЖАЛИЛОВ имзоси билан таҳририятга келган расмий жавобда таъкидланишича,

ўтган йили «Товоқсой»-да 16 ўринли меҳмонхона ишга туширилган. Даволаш бўлимининг ванна қисмлари таъмирдан чиқарилган. Биринчи ва иккинчи ётоқхона бўлимларини таъмирлаш манзилли дастурга киритилган. Жорий йилда бу ишлар амалга оширилади.

Шу билан бирга, сиҳатгоҳ маъмурияти томонидан дам олувчи фахрийлар учун яратилган маданий-маиший шароитларни янада яхшилаш ва ободонлаштириш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда.

НОСИРХОН ОТАНИНГ БОҒЛАРИ

Элда «Боғига яраша булбули» деган нақл бор. Бу боғларнинг довруғи бугунги кунда бутун воҳага ёйилган. Улар қир-адирларга кўрк бағишлаб, яшнаб турибди.

Бу боғларнинг боғбони, соҳибкори Носирхон ота Тўрақуловдир. Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани Гулат Хидиров номидаги ширкат хўжалиги, Газарак мавзеида ташкил этилган «Боғу бўстон» фермер хўжалигининг раҳбари, кекса, нуроний отахон — ўзи ҳам, ҳаёти ҳам нурли, мунаввар бир инсон, заҳматкаш, беҳаловат, камтарин бир боғбон.

Қир-адирлардаги Тоқчи, Оқпечак, Зарчўп, Носиробод мавзеларида боғлар бунёд этган, уларнинг умумий сатҳи 200 гектардан зиёд. Қашқадарё, Андижону Самарқанддан боғбонлар келиб, тажриба алмашиб кетишади. Боғларнинг асосий қисми лалми ерларда, ҳосили — суғориладиган боғлардан мўл.

Фермер бобонинг даромади йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу фойда маблағлар яна қўшимча дарахтзорлар барпо этишга, манзилу маконнинг ободлигига, эл-улусга сарфланмоқда. Бобонинг даромади ҳисобидан 110 нафар ўқувчига мўлжалланган замонавий мактаб, кутубхона, маънавият ва маърифат хоналари қурилиб, қишлоқ аҳлига туҳфа қилинди. 335 нафар ўқувчига мактаб кийими, яна 300 минг сўмлик дарсликлар ва ўқув қуроллари олиб берилди. Фермер хўжалиги томонидан ҳар йили оилавий шароити қийинроқ хонадонларга, талаба ёшларга, ўқувчиларга мунтазам моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Маҳаллий мактабнинг аълочи ўқувчилари учун фермер бобонинг махсус стипендияси белгиланган.

Носирхон ота ҳақида, у кишининг боғлари тўғрисида гап кетганда бобонинг хислати, ҳикмати бор, дейишади.

Бобонинг хислати ҳам, ҳикмати ҳам — унинг заҳматида, меҳнатида. Умрнинг — оқар дарёлигию, боғнинг, яъниким Ватаннинг, элу-юртнинг мангулигида. Бу улуғ ҳикматни Носирхон ота кўчат ўтказиб, ҳар бир ниҳолни ўз фарзандидек авайлаб, ардоқлаб ўстириб, боғ бунёд этиб, амалда исботлаб келаётир. Зеро, умр ҳикматлари инсоннинг эзгу номи, боғи билан гўзал. Умр ҳикматлари неча насл-авлодларни яхшиликка, инсонийликка чорламоғи ила жозиб ва тароватлидир.

Боғбон Носирхон ота Тўрақуловга

Бу дунёда боғ қилмоқнинг ҳикмати бор,
Боғ қолса гар, инсон умрин зийнати бор.

Бир кўчат ҳам ўтқизмайин ўтса одам,
Инсон умрин неча пуллик қиймати бор?

Бу боғлар ҳам шундоқ пайдо бўлган эмас,
Бу боғларни боғбонининг хислати бор.

Боғбон айтар: ном қолдиринг, қолдиринг боғ,
Ки умрнинг дарё мисол шиддати бор.

Фарзанд янглиғ ўстирилгай ҳар бир дарахт,
Боғ қилмоқнинг юз минг алам, меҳнати бор.

Инсон қўли гул дейдилар, то инсоннинг
Ихлоси бор, меҳри яна ҳиммати бор.

Ношукрлар қайдан билсин боғ қадрини,
Нонкўрларнинг ўз элига миннати бор.

Мир Алишер бобомиздан келган сўз бу,
Боғбоннинг ҳам Навоийдек тийнати бор.

Қай элнингким бордир шундай боғбонлари,
Ўшал элнинг Ватани бор, миллати бор.

Сирожиддин САЙЙИД.

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги олдидан

ТЎЙ ТАРАДДУДИ ҚИЗҒИН

Буюк ипак йўлида жойлашган, ўзининг ҳунармандлари, маърифатпарвар алломалари, шоиру санъаткорлари ҳамда муқаддас қадамжолари билан довруғ қозонган Марғилонда айни кунларда қутлуғ тўй тараддуди қизғин паллага кирди. Наврўз умумхалқ байрами олдидан улкан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам давом этяпти. Шаҳарнинг икки минг йиллик тўйи муносабати билан бу ердаги кўплаб мадраса, музей ва қадамжолар таъмирланиши, кўплаб янги иншоотлар қурилиши кўзда тутилган. Хусусан, қадимий ёдгорликлардан ҳисобланган Пир Сиддиқ ва Имом Бурҳониддин Марғиноний чиллахонаси ҳам янгидан барпо этилаётир. Бу ерда ишлаётган усталар мазкур мажмуаларининг асл кўринишини сақлаб қолиш, миллий меъморчилигимиз анъаналаридан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Марғилондаги Жаҳон отин Увайсий уй музейини қайтадан барпо этишда эса Икромжон Луқмонов бошчилигидаги самарқандлик усталар жонбозлик кўрсатишяпти. Бу қадамжо ҳам шаҳарнинг энг гўзал тарихий гўшаларидан бирига айланади. Оролбўйи маҳалласида қад ростлаётган 940 ўринли мактабда ҳам қурилиш ишлари изчил олиб борилмоқда.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

Банк тизими

Рейтинг натижалари

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАР АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ "АХБОР-РЕЙТИНГ" БАНКЛАРАРО РЕЙТИНГ КОМПАНИЯСИ ТОМОНИДАН

2005 йил якунлари бўйича ўтказилган рейтингда республикамизда иш юритаётган 29 та тижорат банкидан 23 таси иштирок этди.

Уларнинг 2004 — 2005 йиллардаги натижалари таққосланганда, банклар фаолиятининг ўртача рейтинг баҳолари кўтарилганлиги кузатилди. Хусусан, тижорат банклари фаолиятининг кўламлилик ва ишончлилик каби муҳим кўрсаткичларида ижобий ўзгаришлар бўлганлиги аниқланди: кўламлилик кўрсаткичининг ўртача қиймати 2004 йил якунлари бўйича 6,80 баллни ташкил этган бўлса, 2005 йил якунларига кўра, 9,29 баллга етди. Ишончлилик кўрсаткичининг ўртача қиймати эса ушбу давр мобайнида 41,71 баллдан 50,97 баллга ошди.

Тижорат банклари активлари ва умумий даромадлари ҳажмининг ижобий ўзгариши кўламлилик кўрсаткичининг ўсишига сабаб бўлди. Жумладан, рейтингда иштирок этган банкларнинг умумий активлари 2005 йил мобайнида 36 фоизга ортди. Активларнинг асосий қисми кредитлар ва ликвид маблағларидан иборат бўлиб, улар умумий активларнинг 83 фоизидан ортиқроғини ташкил қилмоқда. Таҳлил этилган даврда, шунингдек, иқтисодиётнинг номолиявий соҳаси субъектларига ажратилган ссудаларнинг ҳажми 16 фоиз, ликвид маблағларининг ҳажми эса 55 фоиз ўсди. Ликвид маблағларининг ўсиши ўз навбатида нақд пул (2 баробар), Марказий банк (59 фоиз) ва бошқа банклардаги маблағлар (27 фоиз) ҳажмининг ортиши ҳисобига таъминланди.

Банклар актив операциялари кўламининг янада кенгайишига эса ресурс базасининг мустаҳкамланиши туфайли эришилди. Таҳлил қилинган давр мобайнида банкларнинг жалб қилинган маблағлари 49 фоизга ортиб, натижада умумий мажбуриятларнинг пассивлардаги салмоғи 84 фоиздан 86 фоизга ўсди. Номолиявий соҳа субъектларининг банклардаги депозитлари ва ссудалари тижорат банклари томонидан жалб қилинган ресурсларнинг асосий манбаи бўлиб қолмоқда. Бу икки манба биргаликда умумий банк мажбуриятларининг 81 фоизини ташкил этмоқда. Мисол учун, 2005 йилда мижозларнинг банк депозитларидаги маблағлари ҳажми 49 фоизга ўсиши кўп жиҳатдан муддатли депозитлар ҳажмининг ортиши (49 фоиз) ҳисобига таъминланди. Айни чоғда, жамғарма депозитлари (64 фоиз), жалб қилинган ссудалар (12 фоиз) ва банклар бошқа маблағлари ҳажмининг (36 фоиз) ўсиши ҳам кузатилди.

Банклар фаолиятини молиялаштиришнинг барқарор манбаи бўлган акциядорлик капитали асосан тақсимланмаган фойда (56 фоиз) ва устав капитали (32 фоиз) ҳисобига шакллнмоқда. Тижорат банкларининг умумий акциядорлик капитали ўтган давр мобайнида 20 фоизга ўсди. Акциядорлик капитали таркибида устав капитали 7 фоизга ва тақсимланмаган фойда 23 фоизга ўсганлиги кузатилди.

Банклар фаолиятини баҳолашда ишончлилик кўрсаткичи муҳим омил бўлиб, бунда капиталнинг етарлилиги, активларнинг сифати ва ликвидлилик каби кўрсаткичлар инобатга олинди. 2005 йил якунларига кўра; масалан, ишончлилик кўрсаткичининг якуний рейтинги 41,71 балдан 50,97 балга кўтарилди. Ушбу кўрсаткичнинг ижобий ўзгариши банклар ликвидлигининг ўсиши, жумладан, банкларнинг нақд (касса қолдиғининг муайян депозит мажбуриятларига нисбати) ва нақдсиз кўринишдаги (ликвид маблағларининг муайян депозит мажбуриятларига нисбати) ликвидлигининг ўсиши ҳисобига эришилди.

Таҳлил қилинган давр мобайнида банклар капиталининг етарлилигини белгиловчи кўрсаткич 39,85 балдан 40,95 баллга, активлар сифатини аниқловчи кўрсаткич эса 47,62 баллдан 55,25 баллга ошди. Хатарли активлар миқдорининг умумий активлардаги салмоғи 75 фоиздан 67 фоизга камайгани активлар сифатининг ошишига ижобий таъсир этди. Ушбу жараён банк хизматларини кўрсатиш бўйича рақобатнинг кучайиши ва иқтисодиётда фоиз ставкалари тушиб бораётган бир пайтда банклар активларининг даромадлилиги камайишига таъсир этмоқда.

Банклар фаолияти самарадорлигини белгиловчи муҳим кўрсаткичлардан бири — уларнинг рентабеллик даражасидир. Банкларнинг рентабеллик даражаси бўйича рейтингини аниқлашда банк операцияларининг даромадлилигини акс эттирувчи уч кўрсаткич — устав капитали, акциядорлик капитали ва умумий активлар рентабеллиги инобатга олинди. 2005 йил якунлари бўйича рейтингда иштирок этган банклар устав капитали рентабеллиги ўртача 46 фоизни, акциядорлик капитали рентабеллиги — 17, умумий активлар рентабеллиги эса 3 фоизни ташкил этди. Банклар фаолиятининг рентабеллик даражасига молия бозорларидаги фоиз ставкаларининг тушиб бориши ва инфляция даражасининг пасайиши таъсир кўрсатмоқда. Шунга қарамасдан, республикамизда банк операциялари рентабеллигининг ўртача қиймати нисбатан юқори даражада бўлиши таъминланмоқда.

Йирик тижорат банклари фаолиятининг рейтинг баҳолари

Банклар номи	Якуний рейтинг бали	Гуруҳдаги ўрни
«Пахтабанк»	54,85	1
«Ўзсаноатқурилишбанк»	53,91	2
«Ғалла банк»	40,49	3
«Ипак йўли» банки	38,62	4
«АБН АМРО банк МБ» «Ўзбекистон» АЖ	35,42	5

Ўрта тижорат банклари фаолиятининг рейтинг баҳолари

Банклар номи	Якуний рейтинг бали	Гуруҳдаги ўрни
«Кредит-Стандарт» банки	60,68	1
«Ҳамкорбанк»	46,99	2
«Алп Жамол банк»	40,02	3
«ЎзДЭУ банк»	32,79	4
«Алоқабанк»	28,33	5
«Туронбанк»	28,15	6
«Трастбанк»	26,69	7
«ЎТ-банк»	26,24	8
«Ўзтадбиркорбанк»	22,15	9
«Парвинабанк»	19,16	10

Кичик тижорат банклари фаолиятининг рейтинг баҳолари

Банклар номи	Якуний рейтинг бали	Гуруҳдаги ўрни
«Даврбанк»	42,76	1
«Ўктамбанк»	23,27	2
«Туркистон» банки	14,55	3
«Универсалбанк»	10,14	4

HYUNDAI
Official Partner
«DONG NAM MOTORS CO. LTD.»
официальный дистрибьютор
HYUNDAI MOTOR COMPANY
Grandeur XG — в рассрочку на 6 месяцев при наличии банковской гарантии.
Первый взнос — 60% от стоимости автомобиля.
Для юридических лиц.
г. Ташкент, пр. Афросиаб, 8.
Тел. (998-71) 152-17-24.
Тел./факс (998-71) 152-17-25.
e-mail: hdnuz@yahoo.com
www.uzbekistan.hyundai-motor.com
«GRANDEUR XG 250»
СЕДАН ПРЕДСТАВИТЕЛЬСКОГО КЛАССА

В РАССРОЧКУ
Цена — 53 490 000 сум.
ПРЕДСТАВЛЯЕТ:
Sonata NF
Elantra
XG
Tucson
Santa Fe
Terracan
Coupe
Matrix
H-1
(Starex)
Товар сертифицирован

Ўзбекистон — Россия «ДЕКА» Қўшма корхонаси
юқори самарали, экологик хавфсиз, дезинфекцияловчи, инфекцион микробларни бартараф этиш хусусиятига эга бўлган — АНК нейтрал анолит эритмаларини ош тузи ва сувдан синтез йўли билан ишлаб чиқарувчи ДК-60 ва ДК-30 қурилмаларини ишлаб чиқаради ва сотади.
Маҳсулот Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан сертификатланган.
Бизнинг манзил: 702100, Чирчиқ ш., А. Темур шоҳкўчаси, 68-«А» уй.
Тел.: 8 (37171) 2-45-40, 2-54-17. Факс: 2-68-63.

Маҳсулот сертификатланган.
Hansa
«Hansa» компаниясининг Ўзбекистондаги расмий дистрибьютери улгуржи харидорларни ўзаро манфаатли шартларда ҳамкорлик қилишга чорлайди.
«Hansa» немис савдо белгиси кенг АССОРТИМЕНТдаги маиший техника таклиф этади.
Hansa — бу юқори ишончлилик, замонавий дизайн, кенг ассортимент ва турли юмушларни бажарадиган техникалар.
Телефон: 132-44-40;
Моб. тел.: 176-25-23,
Факс: 132-44-46.
E-mail: tehno@union-space.com
Мулоқот учун шахс: Баҳодир Жўраев

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
қуйидаги кафедраларга кафедра мудирлари, профессорлар, доцентлар, катта ўқитувчилар, ўқитувчилар, ассистентлар, шунингдек, вакант лавозимларга
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. ЎзДЖТУ қошидаги РТУМ
Катта ўқитувчи — 7
Ўқитувчи — 3
2. Янги грек ва лотин тили кафедраси
Катта ўқитувчи — 1
3. Немис ва роман тиллар таржима кафедраси
Ўқитувчи — 1
4. Рус тили кафедраси
Катта ўқитувчи — 3
Доцент — 2
Ўқитувчи — 1
5. Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси
Катта ўқитувчи — 2
6. Инглиз тили грамматикаси ва тил тарихи кафедраси
Кафедра мудири — 1
Доцент — 1
Ўқитувчи — 1
Катта ўқитувчи — 2
7. Рус ва чет эллар адабиёти кафедраси
Катта ўқитувчи — 1
8. Чет тиллар кафедраси
Катта ўқитувчи — 1
9. Немис тили лексикаси ва мамлакатшунослик кафедраси
Ўқитувчи — 1
Катта ўқитувчи — 1
10. Сиёсий менежмент ва халқаро журналистика кафедраси
Доцент — 1
11. Инглиз тили фонетикаси ва фонологияси кафедраси
Кафедра мудири — 1
Катта ўқитувчи — 3
12. Инглиз тили таржима назарияси ва тарихи кафедраси
Катта ўқитувчи — 3
13. Иккинчи чет тиллар кафедраси
Катта ўқитувчи — 1
14. Француз тили лексикаси ва стилистикаси кафедраси
Ўқитувчи — 1
15. Рус тилшунослиги кафедраси
Катта ўқитувчи — 1
16. Инглиз тили лексика кафедраси
Катта ўқитувчи — 5
17. Немис тили лексикаси ва стилистикаси кафедраси
Ўқитувчи — 1
18. Тиббий билим асослари кафедраси
Катта ўқитувчи — 1
19. ОАВ тили, услуби ва адабиёти кафедраси
Доцент — 1
20. Оммавий коммуникация ва ахборот технологиялари кафедраси
Ўқитувчи — 1
21. Ахборот технологиялари кафедраси
Катта ўқитувчи — 2
Ўқитувчи — 1
22. Немис тили фонетикаси ва фонологияси кафедраси
Катта ўқитувчи — 1
23. Юқори курслар испан тили кафедраси
Кафедра мудири — 1
24. Умумий тилшунослик кафедраси
Доцент — 1

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар университет ректори номига ёзиладиган аризага қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда топширишлари мумкин:
- ходимлар ҳисоби бўйича шахсий варақа;
- олий маълумоти ва тегишли илмий даражаси борлиги ҳақида дипломларнинг тасдиқланган нусхалари;
- илмий унвони борлиги ҳақида аттестатнинг тасдиқланган нусхаси;
- илмий ва ўқув-методик ишларнинг рўйхати.

Ушбу университетда ишловчи шахслар томонидан танловда қатнашиш учун ректор номига ариза, илмий ва ўқув-методик ишлар рўйхати топширилсин.

Манзилимиз:
700138, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, Г-9 "А"мавзе, 21-"А" уй.
Телефон: 75-77-95.

ШПАТЛЕВКА
OLIY SIFATLI
Юқори навли Қалбакилардан сақланинг
Улгуржи харидорларга ЧЕГИРМАЛАР!
AzKO
(8-371) 367-93-37
(8-371) 367-67-38
Манзил: Тошкент ш., Чилонзор к., 16. Мўлжал «Ўзбекфильм» к.с.
Tsh 64-0515991-01-2002
10

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

СУРАТЛАРДА ЖОНЛАНГАН СИЙРАТ

Санъат асаридан ҳамма завқ олиши мумкин, аммо ҳамма ҳам ижодкор бўла олмайди. Бунинг учун тинимсиз меҳнатдан ташқари худо берган истеъдод бўлиши керак. Хусусан, мусаввирлик шундай бир иқтидорки, бунда чинакам қобилиятлиларгина камолга етади. Асарлари миллий руҳ, маънавий озуқа билан бойитилган ижодкоргина халқ кўнглига йўл топа олади. Таниқли рассом Темур Ғолибнинг муваффақияти ҳам мана шунда бўлса, эҳтимол.

Ижодкор устахонасида

Бўлғуси ижодкор Беньков номидаги Тошкент бадиий билим юртида ўқиб юрган кезларидаёқ атоқли мусаввирлар эътиборига тушган эди. Хусусан, таниқли мўйқалам соҳиби Евгений Мельников унинг камолга етишига катта ёрдам берди.

— Темур Ғолибнинг зукко рассомларга хос нигоҳи, нозик киноя билан ҳаётни гавдалантира олиши мени ҳайратга соларди, — деб эслайди у ўз шогирди ҳақида. — Унинг суратларида ҳеч бир детал "бекор турмайди", балки воқеаларнинг тимсоли ва моҳитини вужудга келтиради.

Дарҳақиқат, рассомнинг "Оила", "Анор" каби дастлабки асарлариёқ мутахассислар томонидан юқори баҳоланганди. Кейинчалик "Беданабозлар","Деҳқонларнинг кечки дастурхони", "Анжир" каби картиналар бирин-кетин мухлислар эътиборига ҳавола этилди. "Муштум" журналидаги фаолияти давомида рассом ижодининг янги қирралари намоён бўлди. Болгарияда ўтказилган халқаро кўргазмада унинг "Никоҳ" ва "Бар" асарлари фахрий мукофотларга лойиқ топилди.

Мустақиллик даври рассом ижодида юксалиш йиллари бўлди. У рангтасвир ва графика жанрида мафтункор асарлар яратди. Рассомнинг ижод намуналари дунёнинг кўплаб шаҳарларида намойиш этилди. Унинг замонавий рангтасвир санъати ва миниатюра жанри анъаналарини маҳорат билан уйғунлаштира олгани эътиборга сазовордир.

Шундай асарлардан бири ўн метрлик матога ишланган "Хамса"-дир. Бу сурат нафақат ҳажми, балки кенг қамровлилиги билан ҳам ажралиб туради. Негаки унда ҳар бешала достоннинг мазмуни, асосий образлари ва ўша давр руҳини ёритишга ҳаракат қилинган. Сурат ўртасида эса Алишер Навоийнинг Ҳусайн Бойқарога "Хамса"ни тақдим этаётган ҳолати тасвирланган.

Темур Ғолиб ижоди ҳақида санъатшунос Рафаэл Тоқтош шундай ёзади:

"Халқ ҳаёти билимдони ва куйчиси Темур Ғолиб ўзбек оилаларидаги типик лавҳаларга бағишланган картиналар яратди. Қувноқ, жўшқин, дастурхонлари тўкин ўзбек тўйларини тасвирлади. Ота-оналарнинг юзларида ўзбекона меҳрни ифодалай олди."

Мусаввир графика жанрида ҳам сермаҳсул ижод қилмоқда. У қаламга олган ўзбек халқ эртаклари, ривоят ва достонлар томошабинга янгича тасаввур беради. Шунингдек, адабий китоблар муқовасига ишланган расмлари, қаламтасвирдаги портретлари рассомнинг маҳоратли эканлигидан далолат беради.

Анвар САМАДОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

СУРАТЛАРДА: мусаввир ижодидан намуналар.

Спорт

Якун ва тараддуд

Миллий Олимпия қўмитасида ўтказилган матбуот анжумани мамлакатимиз спортчиларининг яқинда Турин (Италия)да якунланган XX қишки Олимпиада ўйинларидаги иштироки ҳамда жорий йилнинг декабрь ойида Қатар пойтахти Доҳада ўтадиган XV Осиё ўйинларига тайёргарлигига бағишланди.

Хабарингиз бор, XX қишки Олимпиада ўйинларида тўрт нафар спортчимиз — Анастасия Гимазетдинова фигурали учиш бўйича яккалик, Марина Аганина ва Артём Князов жуфтлик баҳсларида юртимиз шарафини ҳимоя қилди. Яна бир вакилимиз Қайрат Эрматов тоғ чанғиси бўйича мусобақаларда қатнашди. Таъкидлаш лозимки, бу сафарги натижалар билан мақтаниб бўлмайди. Жумладан, фигурали учиш бўйича жуфтлик мусобақаларида вакилларимиз Марина Аганина ва Артём Князовлар ўн олтинчи ўринни эгаллашди. 2002 йил Солт Лейк Сити Олимпиадасида Наталья Понамарёва ва Евгений Свиридов жуфтлиги ўн еттинчи ўриндан жой олганди. Демак, ҳамюртларимиз бу сафар бир поғона юқорига кўтарилишган. Фигурали учиш бўйича яккалик баҳсларида қатнашган Анастасия Гимазетдинова охирги ўринни эгаллади. Буни мутасаддилар Анастасиянинг ўтган йил декабрь ойида олган жароҳати сабаб, деб изоҳлашди. Тоғ чанғиси бўйича мусобақаларда қатнашган ёш вакилимиз учун қишки олимпиада ўйинлари фақат тажриба мактабини ўтади, холос.

Анжуманда навбатдаги мусобақаларда спортчиларимиз кўрсаткичларини яхшилаш, хатолардан сабоқ олиш кераклиги айтиб ўтилди. Бу йил спортчиларимиз олдида яна бир катта синов турибди. Яъни, жорий йилнинг 1-15 декабрь кунлари Қатар пойтахти Доҳада XV Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. Унда иштирокчилар 39 та спорт тури бўйича ўзаро куч синашадилар. Ўзбекистонлик спортчилар Осиё ўйинларида дзюдо, теннис, бокс, эркин кураш, стол тенниси, сузиш, синхрон сузиш, баскетбол, футбол, бадиий гимнастика ва бошқа спорт турлари бўйича майдонга чиқадилар. Анжуманда ушбу нуфузли мусобақага мамлакатимиз спортчиларининг тайёргарлиги ҳақида ҳам гап борди.

Мусобақалар олдидан 28 февраль — 2 март кунлари Қатарда ташкилий қўмитанинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон вакиллари ҳам иштирок этдилар. Йиғилишда кўрилган масалалар ҳақида журналистларга ахборот берилди.

Синхрончиларимиз Осиё чемпионатида

Сингапурда синхрон сузиш бўйича навбатдаги Осиё чемпионати якунланди. Унда қитъамиздаги мазкур спорт тури ривожланган ўндан ортиқ мамлакатдан келган вакиллар ғолиблик учун ўзаро куч синашдилар.

Ёш иқтидорли спортчимиз Дарья Можаева соло бўйича баҳсларда 80 балл жамғариб, тўртинчи ўринни эгаллади. Нуфузли мусобақада илк бор иштирок этаётган Валерия Золотих олтинчи ўриндан жой олди. Дуэт бўйича қатнашган Наталья Корнеева—Валентина Попова жуфтлиги ҳам олтинчи ўрин билан кифояланди.

Ҳамюртимиз муваффақияти

Украинанинг Николаев шаҳрида халқаро тоифадаги спорт устаси Аркадий Шмирин хотирасига бағишланган халқаро турнирда Тошкент вилояти вакили Леонид Козак муваффақиятли иштирок этди.

Халқаро турнирда юз нафардан ортиқ иқтидорли шахматчилар дона сурдилар. Мусобақада Л. Козак ўн икки имкониятдан саккиз очко жамғариб совриндорлар сафидан жой олди ва халқаро тоифадаги спорт усталигига номзод талабини бажарди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

ГАЗ
РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТОР
AVTODOM PLUS

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар, газ баллонлари ташийдиган юк машиналари.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР:
- сут ташийдиган;
- ёнилғи ташийдиган;
- самосваллар.

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар.

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА.

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Шаҳрисабз к., 16-а уй.
Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94.
E-mail: info@auto.uzweb-site: www.auto.uz

КАЧЕСТВЕННЫЙ ПРОМЫШЛЕННЫЙ ГИДРАВЛИЧЕСКИЙ ИНСТРУМЕНТ
Москва, ЗАО "СТС-Холдинг"
ПОД ЗАКАЗ
- Домкраты (5-500тонн)
- Гайковерты
- Насосные станции
- Съемники
- Нестандартное гидравлическое оборудование



СТС холдинг
Подробности:
г. Москва, ЗАО "СТС-Холдинг",
т./факс 7 (495) 5404838, www.sts-holding.com
г. Ташкент, ООО "Автостандарт",
т./факс (99871) 1523358, rama110@rambler.ru

«HUQUQIY MADAD»
адвокатлик маслаҳат фирмаси
2006 йил "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилиниши муносабати билан хайрли ишга қўл урди.

МАСОФАДАГИ ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ

Ўзбекистон Республикасида яшаб келаётган, фаолият юритаётган жисмоний ва юридик шахсларга бевосита хат ва электрон почта (e-mail) орқали ҳуқуқий муносабатларда юзага келган турли мураккабликдаги саволларга ёзма равишда жавоб беради.

"HUQUQIY MADAD" адвокатлик маслаҳат фирмасида фаолият юритувчи барча адвокатлар юқори малака ва тажрибага, шунингдек адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун махсус лицензияга эга.

Хизматлар лицензияланган

Мурожаат учун почта манзиллари — хатлар учун: 100000, Тошкент шаҳри, бош почтамт, абонент қутиси №375 e-mail: hmadad@sarkor. uz ва huquqiy_madad@yahoo. com

Российский линолеум
Оптовые поставки Versal MKO
Офис: ул. Амира Темура - Эргашева, 1
тел. 134-48-11
факс 134-49-58
Продажа в розницу
Паркентский рынок
Магазин 113
тел. 185-48-11

Ўзбекистонда биринчи марта!
СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ЖУРНАЛИ
ёки «Журнал налогоплательщика»га обуна бўлар экансиз, ноёб лойиҳа иштирокчисига айланасиз!

Агар сиз бизнинг нашримизга обуна бўлсангиз, электрон почта орқали солиққа тортиш масалалари бўйича тезкорлик ила бепул маслаҳат олишдек ноёб имкониятни қўлга киритасиз.

Бунинг учун саволингизни қуйидаги манзил: serviscentre@nalog.uz га юборсангиз бас, ҳамкорларимиз Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси Ахборот-маслаҳат сервис марказининг юқори малакали мутахассислари энг қисқа муддатларда унга батафсил жавоб қайтарадилар.

Эслатиб ўтамиз, таҳририятга мурожаат қилган муштарийларимиз бепул электрон почта (E-mail) қутисини ва унга жўнатилган иқтисодиёт ва солиққа тортишга оид барча ҳужжатларни оладилар.

Бундан ташқари, 2006 йил мартидан бошлаб хоҳловчилар «Журнал налогоплательщика»нинг тўла электрон версиясига ёзилишлари мумкин. У таҳририят томонидан текинга тақдим этиладиган E-mail почта қутиси бўйича қоғоз версияси дунё юзини кўришидан бир ҳафта илгари жўнатилади. Айни пайтда мазкур қутига улар чиққан куниёқ, барча қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатлар тезкорлик билан юборилади.

Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиёти ва солиқ тизимини ривожлантиришга қаратилган қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларни таҳририят тақдим этадиган E-mail электрон почтасига тезкор жўнатишга обунани расмийлаштириш мумкин.

Обунани расмийлаштириш масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз: 700195, Тошкент ш., Нукус кўчаси, 21.
Тел.: 133-02-67; 133-60-06; 199-70-84.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ёшлар» телерадиоканали жамоаси «Мунаввар тонг» студиясининг олий тоифали режиссёри, меҳнат фахрийси Ҳикматилла Абдусоатовга волидаи муҳтарамаси
РАҲИМА аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбекгидроэнергоқурилиш» ОАЖ жамоаси «Механизациялашган ишлар бошқармаси» шўъба корхонаси директори Шорисқи Толиповга укаси
Зуҳриддин ТОЛИПОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси директор ўринбосари
Виталий Бонгирович КИМнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 557. 34883 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
(т) - Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.30 Топширилди — 20.50 23456